

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СУЛТАНМУРАТОВА ГУЛИ УТКИРОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ БЎЛГАН РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ
АЁЛЛАРДА КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛИНИ ТАНЛАШНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

УЎК: 577.11: 618.3:618-056.52: 616.153.915: 612.015.32

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Султанмуратова Гули Уткировна

Метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция
усулини танлашни жадаллаштириш 5

Султанмуратова Гули Уткировна

Оптимизация подбора методов контрацепции у женщин репродуктивного
возраста с метаболическим синдромом 27

Sultanmuratova Guli Utkirovna

Optimization of the selection of contraceptive methods in women of reproductive
age with metabolic syndrome..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СУЛТАНМУРАТОВА ГУЛИ УТКИРОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ БЎЛГАН РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ
АЁЛЛАРДА КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛИНИ ТАНЛАШНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2. PhD /Tib1124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаджанова Гулжаҳон Сагтаровна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Туксанова Дилбар Исмаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий-Шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий-Шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги ўн йилликларда гинекологияда эришилган ютуқларга қарамай, диагностика масалалари, метаболик синдром ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш, репродуктив ёшдаги ортиқча вазли аёлларда контрацептив воситаларни танлаш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда репродуктив ёшдаги аёлларда метаболик синдром тобора кўп учрамоқда. Метаболик синдром (МС) ҳозирги пайтда репродуктив ёшдаги аёллар саломатлиги учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳайз циклининг бузилиши, бепуштлиқ, перинатал патология, ёмон сифатли неоплазмалар учун жиддий хавф омилдир. Аммо репродуктив фаолияти бузилмаган тақдирда ҳам, МС оилани режалаштиришда контрацепция усулини танлашда, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда ҳамда аборт ва унинг оқибатида келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олишда жиддий тўсиқдир. МС метаболик, гормонал ва клиник бузилишларнинг комбинацияси бўлиб, сурункали ноинфекцион касалликлар ривожланишининг асосий сабабидир. ЖССТ экспертлари вазиятни қўйидагича баҳолашди: “Биз ривожланган мамлакатларни қамраб олган ХХІ асрнинг янги пандемиясига дуч келяпмиз. Бу ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам демографик фалокат бўлиши мумкин”. Дунё аҳолисининг 50% истиқомат қилувчи Осиё-Тинч океани минтақасидаги одамларнинг тахминан 20% МС касаллигидан азият чекмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда бутун дунё бўйлаб 1 миллиарддан ортиқ одамга МС ташхиси қўйилган ва бу патология тобора ортиб бормоқда. Аҳолида МС ривожланишининг жадал ўсиши урбанизация, ортиқча овқатланиш ва семизлик ривожланиши, шунингдек, камҳаракат турмуш тарзининг натижасидир.

Жаҳонда, INTERHEART тадқиқоти натижаларига кўра, аҳолининг 26% катта ёшли кишилари МСдан азият чекишади. Ривожланган мамлакатларда 30 ёшдан кейинги даврда метаболик синдромнинг тарқалганлиги, турли олимларнинг фикрига кўра, 10-20% ни ташкил қилади. Семиз инсонлар орасида унинг учраши юқори бўлиб - 49%га етади; глюкозага толерантлиги бузилган кишиларда - 50% ва қандли диабет бор беморларда 80% ни ташкил қилади. ЖССТ статистик маълумотларига кўра, сайёрамизда 1,7 миллиард одам ортиқча вазнга эга ва 2025 йилга бориб дунёда семиз инсонлар сони 300 миллионга етиши кутилмоқда. Шулардан фертил ёшдаги аёллар тахминан 25% ни ташкил қилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли аёллар касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишни тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали

хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда биринчи ва кенг кўлламли «Ноинфекцион касалликларнинг хавф омиллари тарқалиши» деб номланган миллий тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпи (50,1%) ортиқча вазнга эга, 28% эса семизликдан азият чекишади. Шунингдек, «...Ўзбекистонда 15–49 ёшдаги ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг 40,7% ортиқча вазн ёки семизликга эгадир, аёлнинг ёши улғайган сари, унда вазн ортишига мойиллик ҳам ошиб боради. Бу ҳодиса жамоат саломатлиги учун жиддий муаммодир...»².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Тиббиёт хизмати сифатини ошириш ва репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик қамровини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб илмий тадқиқотлар ва фан ва технология ютуқларига қарамай, метаболик синдромли аёлларда контрацепция масалалари ҳали ҳам замонавий тиббиётнинг ўрганилмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Семиз, айниқса, ёндош касалликларга эга аёлларда, ҳомиладорлик билан боғлиқ асоратлар хавфи сезиларли даражада юқори, шунинг учун ҳомиладорликни режалаштириш ва ҳомиладорликдан олдин вазнини оптималлаштириш айниқса муҳимдир (Faculty of Sexual & Reproductive Healthcare, 2019). Бундан ташқари, семиз аёлларнинг репродуктив саломатлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу гуруҳ аёлларида абортдан кейинги асоратлар, тухумдонлар ва кўкрак саратони, ҳомила тушиши (ҳомила гипотрофияси, преэклампси ва бошқалар)

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

² Unicef organization website, 2019, <https://www.unicef.org/uzbekistan>

кўп учраши, шунингдек, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг асоратли кечиши билан тавсифланади. Шунинг учун, ушбу аёлларга контрацепция усуллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда, эҳтиёткорлик билан танлаш зарурдир. «Таркибида дроспиренон бўлган гормонал контрацептивлар, юрак-қон томир хавфи кам бўлган контрацепциянинг яхши ва хавфсиз усули бўлиши мумкин. Ушбу тадқиқотнинг мақсади баҳоланаётган параметрларнинг чекланганлиги сабабли, таркибида дроспиренон бўлган КОКларнинг қон-томир патофизиологиясига ҳақиқий фойдаси тўғрисида ҳар қандай хулосага келиш учун, КОКлар ҳақидаги билимларимизни бошқа таркибга эга КОКларни таҳлил қиладиган тадқиқотлар билан кенгайтиришга катта эҳтиёж бор», - деб ёзади ўз илмий ишларида Oluwaseun A. ва ҳаммуал., 2019.

Ортиқча вазнли/семиз аёлларда контрацептив воситаларни танлаш мураккаб масала бўлиб, ҳар бир усул учун фойда/хавфни баҳолашни ва индивидуал ёндашувни талаб қилади (Андреева Е.Н. ва ҳаммуал., 2020). Семиз аёлларда энг мақбули бу углевод ва липид метаболизмига, гемостаз тизимига, юрак-қон томир тизимига ва метаболик бузилишларнинг патологик занжирида иштирок этадиган бошқа органларнинг функциясига таъсир қилмайдиган метаболик инерт препаратни танлашдир. Замонавий паст дозали комбинацияланган орал контрацептивлар (КОК) соғлом ва чекмайдиган аёлларнинг углевод алмашинувида салбий таъсир кўрсатмайди. Агар аёл семизликдан азият чекиб, лекин чекмаса, юрак-қон томир патологияси бўлмаса ва 40 ёшдан кичик бўлса, унда ушбу аёлга таркибида 30-35 мкг этинилэстрадиол бўлган КОК тавсия этилиши мумкин (Уварова Е.В., 2018).

Мамлакатимизда семиз аёлларда контрацепциянинг хавфсиз усулини танлаш масалалари (Боборахимова У.М., Абдуллаева Л.М., 2022), метаболик синдром (Қаюмов У.К., Қаюмова Д.Т.) ва комбинацияланган орал контрацептивлар (Аюпова Ф.М., Каттахўжаева М.Х., Рахманова Н.Х., Хамдамова М.Т.) алоҳида ўрганилган. Аммо метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулининг хавфсиз воситани танлашга оид саволлар ҳал этилмаган.

Юқоридаги сабабларни ҳисобга олган ҳолда, муаммо долзарбдир ва шунинг учун метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепциянинг ишончли ва хавфсиз усулини танлаш бўйича тадқиқот ўтказиш зарурдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Она, ҳомила, янги тугилган ва ёш болалар касалликларини ташхислаш ва даволашда инновацион ёндашувлар» (рўйхат рақами 01.1800231) мавзуси доирасида акушерлик ва гинекология бўйича бажарилган (2020-2022й.).

Тадқиқот мақсади ҳомиладорлик даврида метаболик синдром ривожланган репродуктив ёшдаги аёлларда углевод, липид метаболизми

ҳолатини ва гормонал функцияни ўрганиш, текшириш алгоритмини жадаллаштириш ва хавфсиз контрацепция усулини танлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

метаболик синдром ҳомиладорлик даврида ривожланишининг хавф омилларини репродуктив ёшдаги аёлларда баҳолаш;

метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив саломатлик бузилишининг даражаси ва уларнинг табиатини аниқлаш;

турли муддатдаги метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларда углевод ва липид алмашинувининг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларни текшириш алгоритмини жадаллаштириш;

турли муддатдаги метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёллар учун хавфсиз контрацепция воситасини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2019-2022 йиллар давомида Хоразм вилояти перинатал маркази, Урганч шаҳридаги «Зурриёт-шифо» ва Тошкент шаҳридаги «Corall medical» хусусий клиникаларига мурожаат қилган, метаболик синдром ҳомиладорлик даврида (асосий гуруҳ) ёки ҳомиладорликдан анча олдин ривожланган (таққослаш гуруҳи) 116 нафар метаболик синдромли ва 20 нафари меъёрий тана вазнига эга бўлган репродуктив ёшдаги аёллар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштиришда аёлларда 8-14 соатлик тунги очликдан кейинги эрталаб кубитал венадан олинган периферик қондаги глюкоза, инсулин ва инсулин қаршилигининг ҳисобланган НОМА-IR индекси, қон плазмасидаги умумий холестерин, триглицеридлар, липидларнинг атероген (паст зичликдаги липопротеинлар, жуда паст зичликдаги ва антиатероген (юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП)) баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштиришда клиник, ультратовушли, биокимёвий тадқиқотлар ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

репродуктив ёшдаги ортиқча вазнли аёлларда ҳомиладорликнинг патологик кечиши: турли даражадаги ҳомиладорлар қусиши, ҳомиладорларнинг овқатланиш тартиби бузилиши ва кунлик рационда карбонсувлар миқдорининг кескин ортиши, узоқ муддатли ётоқ режими; асоратланган акушерлик анамнези (репродуктив йўқотишлар, турли даражадаги сиқилишлар, турли хил гормонал дори воситаларнинг қўлланилиши) метаболик синдром ривожланишининг хавф омиллари эканлиги исботланган;

биринчи маротаба метаболик синдром ҳомиладорлик даврида ривожланган барча аёлларда, базал инсулин даражасининг ошиши туфайли, НОМА индекси 3,28 дан 22,2 гача бўлган чегарадан ошганлиги, эмизиш даври тугагандан кейин метформинни қўллаш периферик рецепторларнинг

инсулинга сезгирлигини ошириш ва глюкозани парчалаш орқали самара берганлиги исботланган;

метаболик синдром илк марта ҳомиладорлик даврида ривожланган аёлларда метаболик синдромга хос бўлган липид спектрининг ўзгариши, дроспиренонли комбинацияланган орал контрацептивларни (КОК) қабул қилиш умумий холестерин меъёрий даражада сақланган ҳолда, атероген паст ва жуда паст зичликдаги липопротеидларни пасайиши, антиатероген юқори зичликдаги липопротеидларнинг кўпайиши ва атерогенлик коэффицентига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

турли муддатдаги метаболик синдромли аёлларда дроспиренонли гормонал контрацептивларнинг липид ва углевод алмашинуви, гормонал ҳолатга ижобий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликнинг кечиши, овқатланиш тартиби ва хулқ-атворнинг табиати билан боғлиқ метаболик синдром ривожланишида ўзгартириладиган хавф омилларининг аҳамияти кўрсатилган;

метаболик синдромнинг кечиш оғирлигини аниқлаш ва контрацептив воситаларни танлаш учун қоннинг биокимёвий маркерлари кўрсатилган;

метаболик синдромни ташхислаш усуллари ва унинг ривожланишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тавсия этилган;

турли муддатдаги метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларда соматик ҳолатни яхшилаш, режалаштирилмаган ҳомиладорлик ва унинг асоратларини олдини олиш мақсадида хавфсиз контрацепция усулини танлаш ва текшириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, ультратовушли, биокимёвий тадқиқотлар ва статистик тадқиқот усулларида метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёш аёлларда метаболик синдромнинг асосий сабабларини ойдинлаштириш орқали, хавф омилларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳомиладорлик билан боғлиқ ҳолатларда метаболик синдром ривожланишининг олдини олиш дастурини таклиф қилишнинг назарий асослари яратилганлигининг имконини берганлиги билан изоҳаланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метаболик синдром ва метаболик касалликларнинг ташхислаш усуллари контрацепция воситаларини тўғри танлашни таъминлаш учун жорий этилган бўлиб, бунинг натижасида репродуктив ёшдаги аёлларда хавфсиз гормонал контрацепция усули танланишининг самарали алгоритми яратилганлиги ва бу исталмаган

ҳомиладорлик ва юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфини олдини олишга имкон берганлиги билан изоҳаланган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

метаболик синдром мавжуд бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида «Метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 8н–р/807–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши натижасида амалиёт шифокорларига метаболик синдромга чалинган аёлларга гормонал контрацепцияни буюриш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни ташхислаш, бирламчи тиббий бўғим ва аёллар маслаҳат хонаси даражасида амалий гинекологияга жорий қилиш орқали муҳим амалий муаммони ҳал қилиш, метаболик синдромли аёлларда контрацепциянинг хавфсиз усулини танлаш йўли билан аёллар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берган;

метаболик синдром бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулини танлашни жадаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-сонли оилавий поликлиника ва Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 октябрьдаги 8н–р/565–сон 1-хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши метаболик синдром мавжуд аёлларда хавфсиз гормонал контрацептив воситасини танлашда метаболик синдром ривожланишининг давомийлиги, соматик ва акушерлик анамнези, шунингдек, углевод ва липид алмашинувини баҳолаш, хавфсиз контрацептивлар таркибида дроспиренон бўлган дорилар бўлиб, улар антиминералокортикоид таъсирда тана масса индексини барқарорлаштиришга ёрдам бериши орқали аёллар саломатлик ҳолатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган, диссертация ишининг асосий қисмлари кафедралараро конференция ва Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинарда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. 1 та расм ланган ва 36 та жадвалдан иборат. Диссертация 64 варақдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёлларда метаболик синдром патогенезининг айрим жиҳатлари. Ташхислашнинг замонавий усуллари ва контрацепция усулларини танлаш»** деб номланган биринчи бобида назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва репродуктив ёшдаги аёлларда метаболик синдромнинг этиологияси ва патогенези, гипоталамус-гипофиз-тухумдонлар тизимининг функциялари, липид метаболизми, углевод алмашинуви ўзгаришларининг табиати ва илк марта ҳомиладорлик даврида аниқланган метаболик синдромнинг ривожланиш хусусиятларига оид замонавий тадқиқотлар тизимлаштирилган. Бундан ташқари, ушбу бобда метаболик синдромли репродуктив ёшдаги аёлларда контрацепция усулларини танлашга замонавий ёндашувлар, мавжуд контрацепция усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган аёллар гуруҳларининг клиник тавсифлари ва тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот Урганч шаҳридаги «Зурриёт-шифо» ва Тошкент шаҳридаги «Corall medical» хусусий клиникаларига контрацепция усулини танлаш масалалари бўйича амбулатор ёрдам сўраб мурожаат қилган 136 нафар репродуктив ёшдаги аёлларнинг (116 нафари метаболик синдромли ва 20 нафари нормал вазнли) клиник ва лаборатор текшириш натижалари асосида олиб борилди. Тегишли скринингдан сўнг 3 та гуруҳ тузилди: асосий 1-гуруҳни метаболик синдром ҳомиладорлик даврида ривожланган ва эмизиш даврининг тугаганидан кейин контрацепция масалалари юзасидан мурожаат қилган 51 нафар аёл ташкил қилди; 2-чи таққослаш гуруҳига контрацепция масаласида ўзи мурожаат қилган, метаболик синдром анча пайтдан бери давом этаётган 65 аёл киритилди ва 3-чи назорат гуруҳи нормал тана вазнига эга 20 аёлдан иборат бўлиб, улар режалаштирилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш масаласини ҳал қилиш учун ўзлари мустақил мурожаат қилган. 1-гуруҳга киритиш мезонлари ҳомиладорлик даврида ва туғруқдан кейинги даврда биринчи марта аниқланган МС белгилари эди. Бу аёллар 2020-2021-йилларда Хоразм вилояти перинатал марказининг ҳомиладор аёллар патологияси бўлимида (бош

шифокор Матёқубова С.А.) ҳомиладорликнинг турли асоратлари билан кузатувда бўлган. Кўп ҳомилали ҳомиладорлик ва ҳомиладорликдан олдин юзага келган семизлик чекловчи мезонлар бўлган.

Иккинчи гуруҳга киритиш мезонлари: Халқаро диабет федерацияси (2005) мезонларига кўра, ортиқча вазн ёки семизликнинг мавжудлиги, яъни: асосий мезон - марказий семизлик (аёлларда бел айланаси 80 см ва ундан ортиқ) ва репродуктив ёш (15 ёшдан 49 ёшгача). Чекловчи мезонлар: орал контрацептивларни қўллаш учун стандарт қарши кўрсатмалар мавжудлиги ва гипоталамус-гипофиз соҳаси ва буйрак усти безларидаги органик ўзгаришлар.

Текширилаётган аёлларнинг ўртача ёши барча гуруҳларда унчалик фарқ қилмади ва 1-гуруҳда $26,9 \pm 0,74$ ёшни, 2-гуруҳда $28,9 \pm 0,76$ ёшни, назорат гуруҳида $30,6 \pm 1,5$ ёшни ташкил этди. Тадқиқот предмети сифатида 8-14 соатлик тунги очликдан кейинги эрталаб кубитал венадан олинган периферик қон текширилган. Диссертация ишида умумий клиник, ультратовуш ва биокимёвий текширувлар ўтказилган.

Углевод алмашинувининг ҳолатини баҳолаш глюкоза, инсулин ва инсулин қаршилигининг ҳисобланган индексини НОМА-IR ўрганиш орқали амалга оширилди. Қон глюкозаси эрталаб оч қоринга (базал даража) глюкоза оксидаза усули билан Mindray BA-88A биокимёвий ярим автоматик анализатори ёрдамида аниқланди. Периферик тўқималарнинг инсулинга сезгирлиги билвосита иммунореактив инсулин (ИРИ) концентрацияси асосида аниқланди, у эрталаб оч қоринга веноз қон плазмасида Инсулин-ИФА/1042/К267Н реактивлар тўплами (Хема/Россия) ёрдамида иммунофермент анализи (ИФА) ёрдамида аниқланган. НОМА- IR индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{НОМА- IR} = \text{базал глюкоза (ммол/л)} \times \text{базал инсулин (мкЕд/мл)} / 22,5.$$

Биокимёвий тадқиқот доирасида қон плазмасидаги қуйидаги кўрсаткичларнинг концентрацияси аниқланди: умумий холестерин (УХ), триглицеридлар (ТГ), липидларнинг атероген (паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) ва жуда паст зичликдаги (ЖПЗЛП)) ва антиатероген (юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП)) фракциялари атерогенлик коэффицентини ҳисоблаш билан. Умумий холестерин (УХ), ТГ ва ЮЗЛП миқдори Mindray BA-88A ярим автоматик биокимёвий анализаторида DyaSis (Германия) компаниясининг аралаш диагностика тўпламларидан фойдаланган ҳолда ферментатив колориметрик усулда 12 соатлик очликдан кейин веноз қон плазмасида аниқланди. ПЗЛП ва ЖПЗЛП даражалари қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилди: $\text{ПЗЛП} = \text{УХ} - (\text{ЮЗЛП} + \text{ЖПЗЛП})$; бу ерда $\text{ЖПЗЛП} = \text{ТГ} / 5$ (Friedewald W.T., 1972). Атерогенлик коэффицентини қуйидаги формула бўйича аниқланди: $\text{АК} = (\text{УХ} - \text{ЮЗЛП}) / \text{ЮЗЛП}$.

Тадқиқот натижасида олинган биотиббий маълумотларига Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Excel пакети ва SPSS 25000 (JBM) дастури ёрдамида умумий қабул қилинган статистик таҳлил усули бўйича ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром мавжуд бўлган аёлларнинг саломатлик ҳолати ва репродуктив тизим касалликларининг клиник кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида, ҳомиладорлик даврида ривожланган метаболик синдромли аёлларнинг соматик ҳолати, ўзгартириладиган ва ўзгартирилмайдиган хавф омилларининг роли, репродуктив функция ва гинекологик касалликлар табиати метаболик синдромнинг хавф омиллари ҳамда репродуктив ёшдаги аёлларда метаболик синдром ривожланишининг сабаблари сифатида кўриб чиқилган. Текширувдан ўтган аёлларда анамнестик маълумотлар, гинекологик ва соматик касалликлар, ҳомиладорлик ва туғруқ паритети, репродуктив йўқотишлар таҳлил қилинди. МС сабабларини аниқлаш учун биз ўзгартириладиган ва ўзгартирилмайдиган хавф омилларини ўргандик. Маълум бўлишича, ўзгартирилмайдиган хавф омиллари орасида беморларнинг ёши муҳим рол ўйнайди. Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, метаболик синдром ривожланадиган ёш оралиғи, шу жумладан илк марта ҳомиладорлик даврида ривожланган МС ҳам, 20-29 ёшга тўғри келади. Эҳтимол, бу ёшда вазн ортиши ҳомиладорликнинг кечиши, аёлларнинг турмуш тарзи, овқатланиш тартиби ва одатлари ўзгариши билан боғлиқдир. Ўзгартирилмайдиган омиллар орасида ирсият муҳим рол ўйнайди. Анамнестик маълумотлар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги аёлларнинг ота-оналари кўпинча гипертензия (41,2% ва 49,2% мос равишда), қандли диабет (33,3% ва 23,1% мос равишда) ва семизлик (29,4% ва 26,2% мос равишда) каби патологиялардан азият чекишган, бу ҳам ушбу тоифадаги аёлларда МС ривожланишига юқори мойиллик мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари, ўзгартирилмайдиган омиллар орасида жарроҳлик амалиётлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки бундай аралашувлар организм учун стресс бўлиб, организмдаги метаболик ўзгаришлар ва гормонал етишмовчиликка олиб келиши мумкин. Ҳаётий анамнезни ўрганиш шуни кўрсатдики, кесар кесиш, аппендэктомия ва аборт сабабли бачадон бўшлиғи кюретажи каби операциялар барча текширилган гуруҳларда деярли бир хил даражада бажарилган. Шу билан бирга, бошқа турдаги жарроҳлик амалиётлари (тухумдонлар, бачадон, қалқонсимон без, ўт пуфаги ва бошқа аъзолардаги амалиётлар) 1 ва 2-гуруҳлардаги аёллар анамнезида кўпроқ содир бўлган. Ўзгартирилиши мумкин бўлган хавф омиллари орасида аёлларнинг ижтимоий мавқеи алоҳида эътиборни талаб қилади, чунки 1 ва 2-гуруҳлардаги аёлларнинг аксарияти қишлоқ жойларида (64%) яшайди ва кўпчилиги (70,6%) уй бекаларидир. Бундан ташқари, МС ривожланишига маълум даражада аёлларнинг соматик касалликлари ҳам таъсир қилиши мумкин. Олинган маълумотларга кўра, 1-гуруҳ аёллари орасида соматик патология асосан ҳомиладорлик даврида намоён бўлган ва улар орасида ҳомиладорлик пайтида шамоллаш (ЎРВИ, сурункали бронхит, синусит) биринчи ўринда турган. Сурункали холецистит, гепатит В ва С вирусларини ташувчилар кўпроқ

аниқланган ва 25,5 фоиз ҳолатларда организмдаги метаболик жараёнларнинг бузилишига олиб келган.

Ҳомиладор аёлларда йод танқислигининг коррекция қилинишига қарамай, қалқонсимон без патологияси ҳам кенг тарқалган - диффуз буқоқ 11,8 фоиз ҳолатларда учраган. Ҳомиладор аёлларнинг тахминан 10 фоизи юрак-қон томир тизимининг патологияси (кардиал невроз) сабабли кардиологда даволанишган. Ҳомиладор аёллардаги бу ва бошқа касалликлар (ҳомиладорлардаги оғир даражадаги қусишдан кейинги иштаха ошиши, ҳомила тушиши хавфи) кўпинча стационар даволанишни талаб қилган, бу эса ўз навбатида ҳомиладорларнинг жисмоний фаоллигини чеклаган. Таққослаш гуруҳида соматик касалликларнинг частотаси назорат гуруҳига ва асосий гуруҳга қараганда сезиларли даражада юқори кузатилди. Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида (32,3%) ўт йўллари ва холелитиаз патологияси соғлом аёлларга (5%) қараганда 6,5 баравар ва 1-гуруҳга (13,7%) қараганда 2,3 баравар кўп кузатилган. Анамнезда 2-гуруҳ аёллари кўпроқ сурункали тонзиллит (26,2%) ва сурункали гастрит (10,8%) билан оғриган. Қалқонсимон без патологияси (33,8%) биринчи гуруҳга қараганда (11,8%) 3 баравар ва назорат гуруҳига (15%) қараганда 2 баравар кўп аниқланган. Анамнезда ушбу касалликларнинг мавжудлиги таққослаш гуруҳида 16 нафар (24,6%) репродуктив ёшдаги аёлларда артериал гипертензия ривожланишига сабаб бўлган. Шундай қилиб, илгари бошдан ўтказилган ёки ҳозирда мавжуд соматик касалликлар репродуктив ёшдаги аёлларда МС ривожланишига олиб келади.

Ҳомиладорлик даврида юзага келган акушерлик патологиясини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳомиладор аёллар кўпинча гестацион пиелонефритдан (35,3%) азият чекишган, бу эса, ўз навбатида, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида 20 нафар (39,2%) ҳомиладор аёлларда гестацион гипертензия ва енгил преэклампсия ривожланишига олиб келган. Бундан ташқари, 3 та аёл сурункали артериал гипертензия билан касалланган (6%).

Эрта туғиш хавфи, йўлдошнинг олдинда келиши каби асоратлар 9 нафар (17,6%) аёлни ҳомилани сақлаб қолиш мақсадида узоқ вақт касалхонага ётқизиш ва ҳимоя режимида бўлишларига сабаб бўлди. Гестацион диабет (4%), ҳомиладорлар холестази (4%), турли даражадаги анемиялар (100%) 1-гуруҳ аёлларининг ярмидан кўпида МС ривожланиши учун хавф омили бўлган.

Таққослаш гуруҳи аёлларининг гинекологик касалликларини таҳлил қилганда кўплаб хавф омиллари аниқланди (асоратланган гинекологик анамнез, ҳайз циклининг бузилиши, гормонал бузилишлар) ва уларнинг аксарияти узоқ давр (2 йилдан 5 йилгача) мобайнида гормонал дориларни қўллашни талаб қилган, бу назорат гуруҳи аёлларига нисбатан сезиларли даражада кўп бўлган ($p < 0,05$) ва бу, ўз навбатида, ортиқча вазн ошишига ва кейинчалик МС ривожланишига олиб келган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, таққослаш гуруҳидаги аёлларнинг аксарияти (49,2%) асосан бирламчи

бепуштликдан азият чекишган ва унинг асосий сабаблари 60 фоиз ҳолларда поликистоз тухумдонлар синдроми, тахминан 30 фоиз ҳолларда - гиперпролактинемия, 20 фоиз ҳолларда - аденомиоз ва 6,2 фоизда - бачадон гипоплазиясидир. Узоқ давр мобайнида семизлиги бўлган аёлларда МС ривожланишининг яна бир муҳим хавф омили – бу анамнездаги ривожланмаган ҳомиладорлик ва хомиланинг ўз-ўзидан тушишидир, чунки бу гормонлар мувозанатининг бузилишига, метаболик ўзгаришларга олиб келади ва аборт жараёнининг ўзи ҳам аёлда стресс ва салбий ҳис-туйғуларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Бу омилларнинг барчасини МС ривожланишида ўзгартирилиши мумкин бўлган хавф омиллари сифатида таснифлаш мумкин. Бундан ташқари, 2-гуруҳ аёлларида альгодисменорея (37%), иккиламчи олигоменорея (30%) ва бирламчи олигоменорея (12%) кўринишидаги менструал-овариал цикл (МОЦ) бузилишлари узоқ муддатли комплекс даво талаб қилган ва бу назорат гуруҳига нисбатан анча кўп учраган ($p < 0,05$). Шунингдек бу гуруҳдаги аёлларнинг аксарияти (46,2%) балоғат ёшида гиперандрогениянинг акне ва гирсутизм каби клиник кўринишларидан азият чекишган, бу, ўз навбатида, косметик нуқсонларни яшириш мақсадида гормонал дорилар билан узоқ муддат даволанишни талаб қилган.

МСнинг кечиши оғирлигини аниқлаш учун тана массаси индекси (ТМИ) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шунинг учун барча аёлларнинг бўйи, вазни ва бел айланаси бўйича антропометрик тадқиқотлар ўтказилди. Тана массаси индекси (ТМИ) Кетле формуласи бўйича ҳисобланди. Деярли барча текширилган аёлларнинг бўйи ўртача ва ўртачадан юқори эди. Шу билан биргаликда, гуруҳлардаги аёлларнинг вазни сезиларли даражада фарқ қилди. Шундай қилиб, 1-гуруҳ аёлларининг ($99,6 \pm 1,3$ кг) вазни 2-гуруҳ ($86,8 \pm 1,5$ кг) ва назорат гуруҳи ($57,8 \pm 0,73$ кг) аёлларига нисбатан сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,001$). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 1-гуруҳ аёллари (76,5%) орасида 2-даражали семизлик кўпроқ аниқланган ва бу 2-гуруҳ аёлларига нисбатан (26,2%) 3 баравар кўп бўлган ($p < 0,001$). Шунингдек, 3-даражали семизлиги бўлган аёллар (23,5%) ҳам 2-гуруҳга (9,2%) нисбатан 2,5 баравар кўп бўлган. Ортиқча вазли аёллар фақат 2-гуруҳда (15,4%) мавжуд эди.

1-гуруҳ аёллари ўртасида сўров ўтказилганда, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида вазн ортиши 15-31 кг ни ташкил қилгани аниқланди. Тана вазнининг бундай сезиларли ортиши турмуш тарзининг ўзгариши, яъни аёлнинг оддий фаол ҳаёт тарзидан камҳаракат ҳаёт тарзига ўтиши, жисмоний фаолликнинг пасайиши ва овқатланиш одатлари ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Вазнининг хаддан ташқари ортиши сабабларини аниқлаш учун биз аёлларда ҳомиладорлик кечиши жараёнини таҳлил қилдик ва асосий ўзгартириладиган хавф омилларини ажратдик – бу жисмоний фаоллик, овқатланиш тартиби ва одатларидир. Аёллар ўртасида ўтказилган сўров маълумотлари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ аёлларининг ярмидан кўпида (66,7%) ҳомиладорлик даврининг барча триместрларида ҳомиладорлик таҳдид солувчи аборт симптомларининг такрорланиши билан асоратланган ва

стационар даволанишни талаб қилган, ҳомиладорликни сақлаб қолиш мақсадида уйда ҳам ҳимоя режимини давом эттириш зарурияти бўлган. Худди шу сабабни анамнезида ҳомиладорлик ва туғиш бўлган 2-гуруҳ аёллари (32,3%) ҳам қайд этишди. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳига қараганда анча юқори ($p < 0,05$) бўлиб чиқди. Асосий гуруҳ аёллари кўрсатган яна бир ўзгартирилиши мумкин бўлган сабаб – анамнезда 17,6 фоиз ҳолларда юз берган репродуктив йўқотишлар ($p < 0,05$) ва ҳомиладорликни йўқотишдан кўркувдир, бу асосий гуруҳдаги аёлларнинг 64,7 фоизида жисмоний фаолликнинг пасайишига олиб келган, бу ўз навбатида таққослаш гуруҳига қараганда (50,8%) деярли 1,3 баравар ва назорат гуруҳига нисбатан (10%) 6,4 баравар кўпдир.

Асосий гуруҳ аёлларининг 31,4 фоизи биринчи триместрда вазн йўқотиш билан кечган қайт қилишнинг оғир даражаси тўхтагандан кейин ҳомиладор аёлларда иштаҳа кучайганлиги, бу эса, ўз навбатида вазннинг кескин ортишига олиб келганлигини таъкидлашди. 1 ва 2-гуруҳ аёллари анамнезда ёки ҳомиладорлик даврида бошдан кечирилган стрессни иштаҳа кўчайишининг сабаби сифатида қайд этишди. Айниқса, бу сабабни 2-гуруҳ аёллари асосий гуруҳ аёлларига (9,8%) нисбатан кўпроқ кўрсатишган (12,3%).

1-гуруҳ аёлларининг 41,1 фоизи сўровномада ҳомиладорлик даврида овқатланиш одатларининг ўзгарганини қайд этишди, яъни уларда ширин ва ҳамирли овқатларга бўлган талаб ошган. Иккинчи гуруҳдаги аёлларнинг тахминан 13,8 фоизи бундай овқатланиш одатлари бир неча йилдан бери давом этиб келаётганини таъкидлашди.

Шундай қилиб, МС ривожланишининг хавф омиллари орасида ўзгартириладиган сабаблар мавжуд бўлиб, улар 1 ва 2 гуруҳларда кўпинча ҳомиладорликнинг кечиши билан, 2-гуруҳда эса ҳаёт анамнези билан ҳам боғлиқдир. МС ривожланиши сабабларини аниқлаш мақсадида барча гуруҳ аёллари орасида ўтказилган сўровнома натижаларини таққослаш орқали, биз асосий ва таққослаш гуруҳида камҳаракат турмуш тарзи (64,7% ва 50,8% мос равишда) ва овқатланишдаги хатолар, яъни карбонсувларни кўп истеъмол қилиш (11,8% ва 27,7% мос равишда) МС ривожланиши учун энг асосий хавф омиллари деган хулосага келдик. Ушбу маълумотлар назорат гуруҳи аёлларининг натижаларидан сезиларли даражада фарқ қилди ($p < 0,01$). Бироқ, ушбу ҳолат 1-гуруҳдаги ҳомиладорлик ва эмизиш даврида кескин семирган аёллар орасида юқори бўлган.

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, назоратдаги репродуктив ёшдаги аёлларда метаболик синдром ривожланишининг 2 варианты мавжуд - ўзгартирилмайдиган омиллар натижасида (ирсият, ўтмишдаги касалликлар, ёш ва ижтимоий ҳолат) ва ўзгартирилиши мумкин бўлган омиллар (репродуктив анамнез, репродуктив йўқотишлар, стресс, турмуш тарзи, овқатланиш одатлари ва бошқалар). Айниқса, бу ҳолат 1-гуруҳ аёллари, яъни МС ҳомиладорлик ва лактация даврида ривожланган аёллар анамнезини ўрганганимизда аниқ кўринган. Уларнинг аксариятида ирсий мойиллик (семизлик, қандли диабет, артериал гипертензия ва бошқалар)

мавжуд эди. Бирок, ушбу ирсий омилларнинг кўзғатувчиси сифатида, анамнездан ташқари, охирги ҳомиладорликнинг кечиши, унинг асоратлари, овқатланиш тартиби ва одатлари ўзгариши ва жисмоний фаолликнинг пасайиши деб ҳисобласак бўлади.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром мавжуд аёлларда гормонал кўрсаткичларнинг табиати, углевод ва липид алмашинувининг бузилиши**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотларимиз таҳлили берилган. Ушбу бобда метаболик синдром анчадан бери давом этаётган аёлларда гормонал кўрсаткичларнинг табиати, умуман метаболик синдром бўлган аёлларда углевод ва липид алмашинуви бузилишининг хусусиятлари кўрсатилган. Гормонал контрацептив препаратни танлаш учун биз репродуктив тизимнинг функцияси учун жавобгар асосий гормонлар кўрсаткичларини ўрганиб чиқдик. Биз лютеинловчи гормон (ЛГ), фолликула стимулловчи гормон (ФСГ) ва уларнинг нисбати, умумий тестостерон, эркин тестостерон ва пролактин даражасини ўргандик. Ушбу кўрсаткичлар бир неча йиллар давомида МС билан касалланган, контрацепция масалалари бўйича амбулатор ёрдам учун хусусий клиникага мурожаат қилган 2-гуруҳ ва назорат гуруҳи аёлларида ўрганилди.

Бир неча йиллардан бери метаболик синдром мавжуд бўлган аёлларда (2-гуруҳ) гормонал ўзгаришлар поликистоз тухумдонлар синдроми (60%) ва қалқонсимон без патологиясининг ультратовуш белгиларига мос келиши аниқланди.

МСни аниқлашда патогенетик ёндашувнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, биз углевод алмашинувининг баъзи кўрсаткичларини – глюкоза ва инсулин базал даражасини, НОМА индексини гормонал даволашдан олдин ва кейин ўрганиб чиқдик. Барча гуруҳларда қонда глюкозанинг ўртача миқдори норма чегараларидан чиқмаганлиги маълум бўлди. Бирок, 1-гуруҳдаги гестацион қандли диабет ривожланган икки нафар ҳомиладор аёлда глюкозанинг ошганлиги кузатилди, уларда қонда глюкоза миқдори 6,8 ва 10,4 ммоль/л ни ташкил қилди. Ҳомиладорлик даврида бу аёлларда глюкозурия кузатилган ва ҳомиладорлик уларда асоратлар билан кечган (гестацион пиелонефрит, муддатдан олдинги туғруқ хавфи). Шу билан бирга, қонда глюкоза миқдорининг кўпайиши ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида аниқланди, бу кўпинча аёл тана вазнининг ортиши билан бир вақтга тўғри келади.

Иккинчи гуруҳда глюкоза миқдорининг ортиши 5 нафар (7,7%) аёл анамнезида қайд этилган, уларнинг аксарияти юқори тана вазни сабабли эндокринолог кузатувида бўлган ва метформин препаратларини қабул қилишган. Назорат гуруҳидаги аёлларда қондаги глюкоза миқдори кўтарилмаган бўлиб, норма чегарасида қайд этилди.

Аммо, 1-гуруҳ, яъни МС илк марта ҳомиладорлик даврида ривожланган аёлларда инсулиннинг ўртача миқдори ($29,4 \pm 0,89$ мкЕд/мл) 2-гуруҳ ва назорат гуруҳидаги аёллар билан солиштирганда сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,001$). 1-гуруҳ аёллари орасида қонда инсулиннинг кўпайиши 3-даражали (50%) семизлик билан оғриган аёлларда 2-даражали (43,5%) семизликка қараганда кўпроқ аниқланган. Асосий гуруҳнинг 16 нафар аёлида базал

гиперинсулинемия аниқланган, бу 31,4 фоизни ташкил этган, гиперинсулинемия билан касалланган аёллар эса 45 фоизни ташкил қилган эди. Бу ўз навбатида, яқинда юзага келган ва ҳали коррекция қилинмаган МС танадаги углевод алмашинуви бузилишига мослашиши пастлиги билан белгиланади.

Иккинчи ($17,3 \pm 1,6$ мкЕд/мл) ва назорат гуруҳи ($17,4 \pm 2,5$ мкЕд/мл) аёлларида инсулиннинг ўртача миқдори деярли бир хил эди. Биз бу фарқни МС илгари бошланган 2-гуруҳ аёлларидаги компенсацион-адаптив реакциялар билан изоҳладик, бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги метформинни қабул қилишади, бу эса инсулин миқдорини меъёрда ушлаб туришга ёрдам беради.

НОМА индексини ҳисоблаганда, МС ҳомиладорлик даврида ривожланган 1-гуруҳдаги барча аёлларда ушбу кўрсаткич 3,28 дан 22,2 гача бўлган чегарада ошганлиги аниқланди, нормада эса бу кўрсаткич 3дан кам бўлиши керак. 1-гуруҳ аёлларида НОМА индекси (6,8) базал инсулин даражасининг ошиши ҳисобига 2-гуруҳга нисбатан 1,7 баравар ва назорат гуруҳига нисбатан 1,8 баравар юқори эди. Бу ҳам 2-гуруҳ аёлларида метформинни қўллаш периферик рецепторларнинг инсулинга сезгирлигини ошириш ва глюкозани парчалаш орқали самара берганини кўрсатади.

Липид спектрини ўрганиш давомида 1 ва 2-гуруҳларда умумий холестериннинг ўртача миқдори бироз ошганлиги аниқланди, аммо у назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори эди. Тана энергиясининг асосий манбаи бўлган триглицеридлар фақат 1-гуруҳда сезиларли даражада ошди ва ўртача кўрсаткич $2,7 \pm 0,10$ ммоль/л ни ташкил этди, бу 2 ва назорат гуруҳларига қараганда сезиларли даражада юқоридир ($p < 0,001$). Қон таҳлиллари, ПЗЛП даражаси 1-гуруҳ аёлларида 2-гуруҳ ($p < 0,001$) ва назорат гуруҳи ($p < 0,001$) аёлларига нисбатан анча юқорилигини кўрсатди ($4,1 \pm 0,08$ ммоль/л). Биринчи гуруҳдаги 30 нафар аёлда бу кўрсаткич 4,15 дан 4,95 ммоль/л гача ошган, лаборатория нормаси бўйича эса 4,1 ммоль/л гача бўлиши керак.

Юқори атероген бўлган липопротеидлар - ЖПЗЛП миқдори 1-гуруҳ аёлларида 2-гуруҳга нисбатан деярли 4 баравар юқори ($p < 0,001$) ($1,5 \pm 0,04$ ммоль/л) бўлиб, назорат гуруҳига қараганда ҳам юқори кўрсаткични берди ($p < 0,001$). Паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) миқдорининг ортиши билан бир вақтда ЮЗЛП миқдорининг пасайиши кузатилди, бу эса 1 гуруҳ аёлларида кейинчалик атеросклероз ривожланиш хавфи мавжудлиги ҳақида далолат беради.

1-гуруҳ аёлларида ЮЗЛП ($1,1 \pm 0,02$) 2-чи ва назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада паст эди ($p < 0,001$). Атерогенлик индексининг энг юқори кўрсаткичлари ҳам 1-гуруҳ аёлларида аниқланди (3,6), бу назорат гуруҳидаги қийматлардан кўп ($p < 0,05$) ва 2-гуруҳ қийматларидан ҳам бироз юқори.

МС илк марта ҳомиладорлик даврида ривожланган 1-гуруҳ аёлларида биз текширган липид спектрининг деярли барча кўрсаткичларининг 2 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиши липид

алмашинуви бузилишларини янада яққол кўрсатиб турибди. Биз бундай жиддий бузилишларни ўзгартирилиши мумкин бўлган омиллар - асоратланган акушерлик анамнези, ҳомиладорликнинг асоратли кечиши, жисмоний фаолликнинг пасайиши, овқатланиш тартиби ва одатларининг ўзгариши, шунингдек, ўзгартирилмайдиган омил - ирсий мойиллик мавжудлиги билан боғлаймиз.

Диссертациясининг «**Метаболик синдромли беморларда гормонал контрацепцияни танлаш ва унинг самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида метаболик синдром ҳомиладорлик даврида ривожланган 1-гуруҳ аёлларида углевод ва липид алмашинуви кўрсаткичларига асосланиб контрацепция усулини танлаш, метаболик синдромни даволаш самарадорлиги ва дроспиренонли орал контрацептивларнинг мақсадли таъсири кўриб чиқилган.

Аёллар контрацепция масаласида маслаҳатлашувга келганда ушбу омилларнинг барчасини ўрганишни, контрацепция усулини кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув билан танлаш, шунингдек, МС турли оғирлик даражада ва давомийликда бўлган аёлларда «фойда-хавф» тамойилини қўллаш талаб этилади.

1-гуруҳ аёллари туғруқдан кейинги даврнинг 2-5 ойларида (эмизиш даври тугагандан кейин) контрацепция мақсадида мурожаат қилишган ёки фаол патронаж йўли билан чақиртирилган. Иккинчи ва назорат гуруҳидаги аёллар контрацепция масалалари бўйича ўзлари мустақил мурожаат қилишган.

Гормонал контрацептивларни қўллаш имкониятлари ва қарши кўрсатмалар масаласини ҳал қилиш учун 2-гуруҳнинг барча аёлларини ўрганиб чиқдик. Ушбу гуруҳ аёллари орасида 3-даражали семизлик билан оғриган 6 нафар (9,2%) аёл борлиги аниқланди, уларга орал контрацептивларни қўллаш қарши кўрсатилган бўлиб, улар кейинги тадқиқотлардан четлаштирилди.

Контрацепция учун беморларга 84 кун давомида ҳар куни бир хил вақтда таркибида дроспиренон (ДРСП) бўлган орал контрацептивни (ОК) (этинилэстрадиол 30 мг ва дроспиренон 3 мг) 28 кун давомида танаффуссиз 3 цикл қабул қилиш таклиф қилинди, чунки бу препарат таркибида гормонал бўлмаган 7 таблетка мавжуд.

Тадқиқотдан олдин 2-гуруҳ аёлларининг 32 нафари (54,2 %) 1-даражали семизлик, 17 нафари (28,8 %) 2-даражали семизлик ва 10 нафари (17,0 %) ортиқча вазнга эга эдилар. Тадқиқотдан олдин ўртача ТМИ $33,98 \pm 0,55$ кг/м² ни ташкил этди. Таркибида ДРСП мавжуд орал контрацептивларни уч ой давомида қўллаш натижасида бел айланаси камайди. Ушбу аёлларда ДРСПли ОК тана вазнига ҳам сезиларли даражада яхши таъсир кўрсатди (вазн йўқотиш 2,4 фоизни ташкил қилди), бу ОКнинг антиминералкортикоид таъсири бўлиши мумкин. Шунингдек, ТМИ ҳам бироз, яъни 0,8 гача пасайди.

Базал инсулин, қондаги глюкоза, шунингдек тўқималарда инсулин рецепторлари сезгирлигининг билвосита кўрсаткичини (НОМА индекси) ўрганишимиз натижасида, ушбу кўрсаткичларнинг 3 ойдан кейин бироз ўсиши кузатилди (мос равишда 12,7%, 7,1% ва 16,2%). Ушбу ўзгаришларга

қарамай, базал глюкоза ва инсулин миқдорлари норма чегарасида қолди (1-жадвал).

1-жадвал

30 мкг ээ/3 мг ДРСП қабул қилган ортиқча вазн/семизлик билан оғриган 2-гурух аёлларининг углевод алмашинуви кўрсаткичлари динамикаси

Углевод алмашинуви кўрсаткичлари	Дастлаб n=59	3 ойдан кейин n=59	p
Қондаги глюкоза, ммоль/л	4,9±0,16	5,25±0,35	>0,05
Базал инсулин	17,3±1,6	19,5±0,92	>0,05
НОМА индекси	4,13±0,40	4,8±0,23	>0,05

